

Оқилона йўл тутайлик...

Сўнги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳолати глобаллашиб, республиканинг катта қисми учун сув манбаи сифатида фойдаланилаётган Амударёнинг ифлосланиши аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказётгани айти ҳақиқатдир.

Сув таъминоти ва санитария соҳаси самарадорлиги республикадаги экологик вазият билан бевосита боғлиқ жараёндир.

Масалан, сув ресурсларининг камайиши ва тозаланмаган оқава сувларнинг ташланиши ҳисобига уларнинг сифати ёмонлашмоқда, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланиши аҳолининг сув таъминотига хавф солмоқда. Урбанизациялашган ҳудудлардаги табиий сувларнинг сифати, шаҳар ташқарисида катта миқдорда ишлаб чиқариш ва маиший фойдаланишдаги ташлама сувлар шаклланиб қолиши ҳисобига, уларнинг сув объектлари ҳамда шаҳар атрофидаги ерости сувларига қўшилиб кетиши билан ўзгариб кетмоқда.

Республикада маиший-коммунал оқава сувлар ерусти ташламаларнинг 20 фоизини, ишлаб чиқариш ташламалари 70–80 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистонда оқава сувларни талаб этилган даражагача тозалаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, шаҳар тозалаш иншоотлари асосан хўжалик маиший оқаваларни тозалашга их-

тисослашган.

Оқава сувларнинг ифлосланишига кескин таъсир кўрсатувчи алоҳида фаолият турларининг рўйхати шакллантирилиб, унинг ижроси тўлиқ назорат қилинмоқда. Айрим алоҳида фаолият турларини амалга оширувчи корхоналарда сув ва оқава сув сифат нормаларини назорат қилувчи доимий лабораториялар мажбурий тартибда ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, барча ишлаб чиқариш корхоналарида маҳаллий тозалаш иншоотларини мажбурий тартибда ўрнатиш; маҳаллий тозалаш иншоотлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш; ифлослантирувчи маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналарида мажбурий тартибда замонавий тозалаш ускуналари ва филтрларни ўрнатиш, давлат экология қўмитаси органлари томонидан сув ва оқава сувларнинг сифат таркибини аниқлаш бўйича мавжуд ҳамда янги ягона қўлланма ва стандартларни ишлаб чиқиб, улардан бепул кенг фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республиканинг 119 та шаҳар ва туманларига 69 та коммунал хизмат кўрсатиш тизимлари хизмат кўрсатиб, булардан ташқари Навоий (НКМК) ва Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида (ОКМК) идоровий коммунал хизмат кўрсатиш тизимлари йўлга қўйилган.

Тозалаш иншоотларининг белгиланган кунлик қуввати 3 772,8 минг м³ ни ташкил этиб, ҳақиқатда 2 558,9 минг м³ оқова сувлари тозаланмоқда.

Республиканинг аксарият оқова сув иншоотлари 30-40 йил олдин қурилган ва кейинчалик таъмирланмаган, натижада иншоотларнинг кўп қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида тўхталсак.

Сувдан оқилонга фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришда қайта ишланган сувдан фойдаланиш имкониятига эга фаолият турлари рўйхатини шакллантириш, ушбу фаолият турларини амалга оширувчи корхоналарга сув ва канализация нархларини алоҳида юқори нархларда белгилаб, таъриф нархларини ошириш;

канализация тозалаш иншоотларига оқова билан бирга рухсат этилмаган ифлослантирувчи моддалар келиб тушиши ва бунинг натижа-сида “активил”нинг ўлиши юзасидан етказилган зарарларни хизмат кўрсатувчи ва фойдаланув-чининг шартномавий муносабатларида назарда тутиш ҳамда ҳуқуқий таъсир чораларини кенг қўллаш; канализациядан оқизилган сувни қайта тозалаш натижасида ҳосил бўлган сувни, улардан фақатгина техник сув сифатида фойдаланиш талаблари бўйича нормаларни қонун-

га киритиш; янги инновацион усуллар билан оқова сувларни қайта ишлаган корхоналар учун қайта ишланган сув ҳажмига мутаносиб равишда сув солиғи ставкасини камайтириш бўйича амалдаги қонунга ўзгартириш киритиш; канализация тозалаш иншоотларини ўзини ўзи қоплаш, тизим тармоқлари ва тозалаш иншоотларини 5-7 йил давомида янгилаш имкони-ни берадиган даражада канализация таъриф хизматларини қайта кўриб чиқиб, ошириш; канализация тармоқлари эскиришини жадал-лаштирувчи моддалар рўйхатини шаклланти-риш, ушбу моддаларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик шахслардан тозалаш иншоотларига зарар етказганлик учун “эколо-гия йиғими”ни жорий этиб, ушбу маблағларни Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ундириш; жамғарма маблағла-рини асосий қисмини тозалаш иншоотлари ва канализация тармоқларини янгилашга йўнал-тириш; Канализация тозалаш иншоотлари ва тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича давлат хусусий шерикчилик асосидаги фаолият турла-рини ривожлантиришни амалга ошириш бел-гиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Коммунал хўжали-ги тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолия-тини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг республи-ка шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига норма-тивдан ортиқча оқизилганлиги учун компен-



сация тўловларини ҳисоблаш” бўйича Низом ишлаб чиқилган. Бироқ, тегишли манфаатдор идоралар – Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, ҳудудлардаги корхоналар ҳамда ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сонли қарор талабларининг бажарилиши қониқарли эмас.

Вазирлигимиз томонидан соҳада компенсация тўловларини ҳисоблаш ва оқава сув фаолиятини назорат қилиш бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидаги :

– ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига ва жойларнинг рельефига меъёрдан ортиқ оқизиш массаси мавжуд хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш, меъёрдан ортиқ оқизганлик бўйича компенсация ҳисоблаш ва уларни ундириш билан шуғулланиш;

– табиатга зарар етказганлик, айниқса, сув ресурсларини ифлослантирганлик учун кейинги йилларда “экология солиғи”ни жорий қилиш, бунда экология солиғинининг моҳияти “ифлослантирувчи тўлайди” принципига асосланиш каби режалар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “2017 – 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан республиканинг барча вилоятларида оқава сув таъминотини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан канализация тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

– Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тасарруфига ўтказиш ва унинг вазифаларига қўшимча равишда қуйидагиларни киритиш зарур:

– республика бўйича оқава сувларнинг ифлосланишига кескин таъсир кўрсатувчи корхоналарнинг алоҳида фаолият турлари рўйхатини шакллантириш, улар бўйича доимий мониторинг ташкил этиш;

– оқава сувларни нормадан ортиқ ташла нишини ҳисобга олиш ва тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш тизимини яратиб, ижросини таъминлаш;

– оқава сувларнинг ифлосланишига кескин таъсир кўрсатувчи корхоналарни марказий канализация тармоғидан узиш муддатни белгилаш, мазкур муддат ичида корхоналар томонидан мустақил тозалаш иншоотларини лойиҳалаш ва қурилишини назоратга олиш ҳамда ушбу муддатларга амал қилинмаган ҳолларда уларни тармоқдан узиш;

– канализация тозалаш иншоотларини технологик режимда ишлатилишини таъминлаш учун аэрация станциясига кирувчи оқава сувларга тоза сувлар, ёмғир-қор ва ерости зах сувларини оқава сув тизимига тушишини бартараф этиш чоралари тўғрисида Сув хўжалиги вазирлиги ва ҳудудлардаги ободонлаштириш бошқармалари томонидан таклифлар тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

– умумий овқатланиш, нефть маҳсулотлари билан боғлиқ автомобилларни ювиш, қоғоз маҳсулотларини қайта ишлаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, гўшти қайта ишлаш, алкоголь ва алкогольсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, металлни қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотларини бўяш, терини қайта ишлаш бўйича хўжалик юритувчи субъектларда бирламчи оқава сувларни тоза-



лайдиган маҳаллий (локал) тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ёки янгидан қуриш бўйича Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда корхоналарга локал тозалаш иншоотларини ўрна-тиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

Шунингдек, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида муҳокама қилиш бўйича белгиланган тадбирларни изчил давом эттириб, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш масалалари босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилди.

Рустам ГУЛЯМОВ,

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ичимлик суви таъминоти ва оқава сув тизимлари истиқболини белгилаш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.